

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛДАШЕВА ШИРИН ЖАЛГАСОВНА

**70 – 90-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ЛИРИКАСИДА ТЎРТЛИК, САККИЗЛИК ВА
ШЕЪРИЙ ТУРКУМ ТАБИАТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Алдашева Ширин Жалгасовна

70 – 90-йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърий туркум
табиати.....3

Алдашева Ширин Жалгасовна

Природа четверостиший, восьмистиший и стихотворной формы в узбекской
лирике70 – 90-х годов.....25

Aldasheva Shirin Jalgasovna

The nature of the quatrains, octaves and the poetic forms in the Uzbek lyric of the
70th-90th.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lits of published works51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛДАШЕВА ШИРИН ЖАЛГАСОВНА

**70 – 90-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ЛИРИКАСИДА ТЎРТЛИК, САККИЗЛИК ВА
ШЕЪРИЙ ТУРКУМ ТАБИАТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Fil.518 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Курамбоев Каримбой филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Баҳодир Нурметович филология фанлари доктори, профессор
	Мелиев Суvon филология фанлари номзоди
Ётақчи ташкилот	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «10» июль соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871)233-36-50; факс (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «25» июнь кuni тарқатилди.
(2019 йил «25» июнь » даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Назаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., академик

Р.Баракаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.

Н.Ф.Каримов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф. д., академик

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида адабий жанрларнинг шаклланиши ва янги лирик шаклларнинг юзага келишида ижодкор бадий маҳоратининг ўрни масаласини поэтик тафаккур эволюцияси билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш тамойили кучайди. Шеърятдаги янгиланишларни ўзида ифодалаган метареализм, континуализм, полистилистика каби йўналишларни тадқиқ қилиш асосида олинган илмий хулосалар натижасида жаҳон адабиётининг илғор тажрибалари ва бадий маданият ютуқларининг ижодий ўзлаштирилиши миллий шеърятдаги поэтик шаклларнинг қамровини кенгайтирганлиги аниқланди. Дунё халқлари адабиётининг ижодий тажрибалари, поэтик жанр ва шеърый шакллар бадий тафаккурни янги мазмун билан бойитди ва миллий ўзликни ифода этишнинг янги имкониятларини очиб берди. Шу тариқа, адабиётнинг ҳозиржавоб тури бўлган лирика ўзбек халқининг ҳаётига хос ижтимоий қарашлар ҳамда маънавий-интеллектуал кадрятлар орқали илгари сурилган масалаларга бадий йўсинда жавоб беришга, ечимлар излашга сафарбар этилди.

Дунё адабиётшунослигида бадий таҳлил назариясининг чуқурлашганлиги туфайли структурализм, компаративистика, рецептив эстетика, постструктурализм, нарратология ва герменевтика йўналишлари кенг ривожланмоқда. Натижада XX асрнинг сўнги чораги жаҳон шеърятда турли хил адабий жанрларнинг синтезлашиши жараёни рўй берганлиги ҳамда тўртлик, саккизлик шакллари ва шеърый туркумларнинг кенг оммалашишига модернистик ва постмодернистик йўналишдаги адабиёт асос бўлганлиги исботланди. Бадий-эстетик тафаккурдаги бундай тадрижий поэтик янгиланишлар, табиийки, лириканинг аънавий шакл ва жанрлари табиатида ҳам структурал-таркибий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Ўзбек адабиётида мустақиллик шарофати ва имкониятлари туфайли ҳозирги кунда миллий адабиётнинг ғоявий-бадий мундарижаси ва барча жанрларида қарор топган такомиллашиш, теранлашиш ҳодисаси тобора кенгайиб, кучайиб бормоқда. Бу хусусиятлар XX асрнинг 70–90-йиллари поэтик шакллари учун ҳам ҳосдир. Ўзбек шоирлари Европа лирикасининг сонет, эпиграфия, октава, терцина, триолет, элегия каби жанрлари ҳамда хитой, япон шеърятига хос хокку, танка каби жанрларда ҳам куч синаб кўришди. Натижада шеърятимиз хазинасини бойитувчи бадий баркамол намуналар яратилди. Халқимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ўзбек шеърятини эзгу мақсадларга қаратилганлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Чунки, «...инсоннинг қалби, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-ниятларини, Ватанга муҳаббат ва содиқлик хиссиётларини акс эттирувчи бетакрор сўз»¹ бўлган бадий адабиётнинг дунёни, инсонни билишнинг муҳташам ойнаси, шунингдек, бугунги кунда

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

мамлакатимиз стратегик дастурларининг бири ҳисобланган юксак маънавиятли, хар томонлама баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги яна ҳам ойдинлашди.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийetni ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида лирикадаги бадий-эстетик изланишлар, давр ва адабий жараён, шоир шахсияти, жамият психологияси ва лирик жанрларнинг таркибий қурилишидаги сифат ўзгаришлари каби масалалар жиддий тадқиқ этилган².

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикасидаги бадий-эстетик изланишларни давр ва адабий жараён, шоир шахсияти, жамият психологияси ва лирик жанрларнинг таркибий қурилишидаги сифат ўзгаришлари билан узвий алоқадорликда тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, академик Н.Каримовнинг «Шеърый шакллар ва услубий йўналишлар» мақоласида Миртемир, С.Ақбарий, Т.Сулаймон, Отаёр ижодидаги фольклоризм талқини ва услубий хусусиятлар, А.Мухтор, Мирмуҳсин, Э.Воҳидов ва бошқа шоирларнинг аруздаги изланишлари, М.Шайхзода, Р.Бобожон, Шукруллонинг рубоийнавислик маҳорати, Б.Бойқобилов ва Р.Парфининг сонет жанридаги тажрибалари ўрганилган эди³. Кейинчалик ўзбек лирикасида жанрлар ва шеърый шакллар

²Уоррен О, Уэллек Р. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1987. – 325 с.; Боров Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2002.– 624 с.; Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развития литературы. – М.: Мысль, 1969. – 399 с.

³Ўзбек адабиётда жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.103–133.

муаммоси анча кенг тадқиқ этила бошланди. Ушбу масала бир қатор докторлик диссертацияларининг юзага келишига асос бўлди⁴.

Ўзбек шеърини маданиятидаги аънава ва новаторлик, поэтик маҳорат, бадиий тафаккур тарзи ва ижодкорнинг индивидуал услуби, фалсафийлик, тарихийлик, психологизмнинг чуқур илдиз отиб бораётганлиги, поэтик тафаккур табиатидаги янгилинишлар, поэтик мантук ва бадиий деталь, сюжет ва композиция, ғазал поэтикаси, сўз ва поэтик образ сингари назарий масалалар ҳам бир қатор номзодлик диссертацияларида ўрганилди⁵.

Кўринадики, XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикасида шеърини шакллари ва ижодий индивидуалликнинг поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрни масаласи махсус ўрганилмаган бўлиб, бизнинг тадқиқот ҳозирга қадар яратилган илмий ишларни тақдорламайди. Мавзунинг танланиши, унга ёндашиш, кузатиш, илмий таҳлил ва назарий умумлашма-хулосалари жиҳатидан илмий иш мавжуд тадқиқотлардан фарқ қилади.

Ўтган асрнинг сўнгги йиллари ўзбек лирикаси таркибидаги поэтик шакллarning ўзаро алоқасини ўрганиш, уларнинг бир-бирини бадиий эстетик жиҳатдан бойитишдан иборат ўзига хос хусусиятларини кузатиш, шеърятимизнинг тарихий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш ҳамда шу асосда шоирларнинг ғоявий-эстетик тафаккури ва ижодий индивидуаллигини белгилаш масаласи ҳал қилинганлиги маъқул ишнинг бошқа тадқиқотлардан фарқлиб турадиган жиҳатларидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси режасининг «Ўзбек адабиётининг туркий халқлар адабиёти билан адабий алоқалари», «Ҳозирги давр филология

⁴Рахимжонов Н.К. Тенденция развития современной узбекской поэзии: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989. – 41 с.; Акрамов Б.А. Проблема поэтического образа в современной узбекской поэзии: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991. – 51 с.; Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафқураси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Ташкент, 1993 – 49 б.; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётини фольклоризм: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Ташкент, 1994 – 56 б.; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. – Ташкент, 1994. – Б. 45; Норбоев Б.Ж. Ҳаётий поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Ташкент, 1996. – 51 б.; Бобоев Т. Олий ўқув юр்தларида ўзбек шеърятини поэтикаси асосларини ўрганиш: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Ташкент, 1998. – 54 б.;

⁵Шарипов Р.Х. Стилевые особенности современной узбекской поэзии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 18 с.; Қодиров В.А. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1993. – 21 б.; Алиев Б.Р. Ҳозирги замон ўзбек шеърятини психологизм муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1994. – 159 б.; Қосимов Я. Ўзбек шеърятини поэтик фикрининг янгилиниш жараёни: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1994. – 23 б.; Ражабов Д.Э. 80-йиллар ўзбек болалар шеърятини поэтик маҳоратининг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1995. – 29 б.; Афоқова Н.М. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1997. – 26 б.; Ражабов Д.З. Бадиий образ ва ритмининг ўзаро муносабати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 1998. – 25 б.; Ўразимбетов К.К. Ҳозирги қоракалпоқ лирикасида бадиий шакллар тадрижий тараққиёти ва типологияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2005. – 46 б.; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида аънава ва шаклий изланишлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2004. – 22 б.; Ҳамидова М.Х. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2004. – 20 б.; Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеърятини образлиқ: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2005. – 22 б.; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2004. – 25 б.;

назарияси ва методикасининг долзарб масалалари» ва «Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек адабиёти тарихи» мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади истиклолдан олдинги йиллар ўзбек лирикаси табиатига хос ички сифат ва структура ўзгаришларини ўрганиш, поэтик шаклларнинг бадиий ўзига хосликларини аниқлаш, уларнинг яхлит бадиий-эстетик тизим сифатидаги хоссаларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижодкорларнинг ўзига хос бадиий тафаккури тақозосига кўра поэтик шакллар тузилишига олиб кирилган сифат ўзгаришлари ва ифода усулларининг муштарак ҳамда фаркли жиҳатларини аниқлаш;

мумтоз лирикамизда етакчи мавқега эга бўлган тўртликнинг тафаккур ва тасвир маданияти ҳамда ижодкорлар дунёқараши туфайли янгича ғоявий мазмунга эришиш натижасида юз берган матний-структурал ўзгаришларнинг бадиий-эстетик моҳиятини очиш асосида поэтик шакллар такомиллини ёритиш;

ассоциатив (тахайюлли) ҳамда рамзли-тимсолли бадиий тафаккур таъсирида тўртлик, саккизлик, шеърини туркум ва бошқа поэтик шаклларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирини бойитиш жараёнларини қиёслаш асосида белгилаш;

эпик ифода усуллари таъсирида XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикаси жанрлари ва поэтик шаклларнинг имкониятлари кенгайганлигининг бадиий-эстетик қонуниятларини аниқлаш;

шеърини туркумлар табиатидаги эпиклик тамойиллари ва эпик тасвир унсурларини аниқлаш ҳамда ижодкорнинг реалистик тасвир маданиятини ривожлантириш ва бойитишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объектини Шухрат, Э.Вохидов, А.Орипов, Толиб Йўлдош, Жамол Камол, М.Бобоев сингари шоирларнинг тўртлик ва саккизликлари ҳамда шеърини туркумлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикасидаги поэтик шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот материаллини ўрганишда тарихий-қиёсий ҳамда типологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек лирикасидаги тўртлик, саккизлик поэтик шакллари ҳамда шеърини туркумлардан иборат бадиий тизимлар жаҳон адабиётининг адабий таъсирида шаклланганлиги асослаб берилган;

шеърини шакллар табиатидаги композицион-структурал ўзгаришлар ўзаро адабий таъсир, миллий бадиий-эстетик тафаккур аънаналари ҳамда ижодкорнинг индивидуал поэтик маҳорати билан боғлиқликда кечганлиги далилланган;

лирикадаги поэтик шаклларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан такомиллаштириш натижасида ўзбек адабиётининг реалистик тасвир маданияти янада теранлашганлиги кўрсатиб берилган;

тўртлик, саккизлик шакллари ва шеърӣ туркумлар мумтоз шеърӣят анъаналари билан бевосита алоқадорлиги асослаб берилган ҳамда ҳозир ҳам изчил давом эттирилаётган бу жараён поэзия таракқиётини таъминловчи етакчи ижодий методни шакллантирганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

XX аср 70–90-йиллари ўзбек лирикаси таракқиётини таъминлаган поэтик шакллар хилма-хиллиги ва ижодий индивидуалликлар ижодкорларнинг ҳаётни, ижтимоий воқеликни янгича идрок этиш ва бадий-эстетик ифода қилиш самараси эканлиги асосланган;

эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва хиёнат, гўзаллик ва хунуклик, умрнинг ўткинчилиги, онийлик ва боқийлик сингари умумбашарий масалаларнинг поэтик шаклларда ифодаланишида ижодкорларнинг поэтик таҳлил маданияти ривожланганлиги ва кенг қамровлилиги кўрсатилган;

тўртлик, саккизлик шакллари ҳамда шеърӣ туркумлар Шарқ ва Ғарб бадий тажрибаларига таянган ҳолда яратилган оригинал мазмун, ижтимоий-фалсафий умумлашма фикрларга бойлиги ва бетакрор образлилиги билан лирикамик жанрлари ва поэтик шакллар такомилда алоҳида саҳифани ташкил этиши далилланган;

давр мураккаблиги ва зиддиятлари ҳаққоний акс эттирилган XX асрнинг 70–90-йиллар ўзбек лирикаси мазмун ва шакл жиҳатидан XX аср ўзбек адабиёти таракқиёти тарихининг муҳим бир босқичи бўлганлиги ҳамда шеърӣятимизнинг кейинги ривожини учун муस्ताҳкам замин, бадий-эстетик асос бўлиб хизмат қилганлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот ишининг табиати ва вазифаларига мувофиқ келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи тарихий-киёсий ҳамда типологик таҳлил усулларининг қўлланилганлиги, унда фойдаланилган адабий-бадий, назарий материалларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда таҳлилга тортилган адабий ва далилий материаллар, илмий-назарий умумлашма-хулосалардан XX аср ўзбек лирикаси тарихини яратишда, шу жумладан, поэтик шакллар тарихи ва назарияси, XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикаси поэтик шаклларининг етакчи тамойиллари, бадий тафаккурнинг янгиланиши ва лирика табиатидаги бадий-эстетик изланишлар, поэтик шаклларнинг яхлит бадий система сифатидаги хусусиятларига доир фундаментал тадқиқотлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида «Ҳозирги адабий жараён», «Янги ўзбек адабиёти» ва «Ўзбек адабиёти танқиди тарихи» фанларидан дарслик, қўлланмалар яратиш ҳамда ихтисослик фанларидан махсус курс ва танлов машғулотлари ўтказишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеъриятидаги тўртлик ва саккизликлар ҳамда шеърий туркумларнинг бадий тафаккур эволюциясида тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар куйидаги йўналишларда жорийланган:

бадий тафаккур ривожидавомида ўзбек мумтоз лирикаси ва фольклор анъаналарининг самарали таъсири XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикасининг янгича бадий-эстетик тамойиллар асосида юксалиш хусусиятларига оид илмий натижалардан **Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф8-002 «Ҳозирги замон қорақалпоқ ёзувчилари ижодиётининг ғоявий-бадий хусусиятларини тадқиқ қилиш» (2007–2011) мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 4 мартдаги 17.01/25-сон маълумотномаси).** Натижада XX асрнинг 70–90-йиллари шеъриятидаги тўртлик, саккизлик ва шеърий туркумлардаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда адабий жараён ва ижодий индивидуаллик масалаларини ўрганишда янгича талқин тамойиллари белгиланган;

бадий тафаккур ривожидавомида Шарқ ва Ғарб – жаҳон халқлари бадий тажрибасининг самарали таъсири XX асрнинг 70–90-йиллари ўзбек лирикаси кичик жанрлари, хусусан, тўртлик, саккизлик ва шеърий туркумлар сингари поэтик шаклларнинг маърифий-тарбиявий, бадий-эстетик хусусиятларига оид илмий натижалардан **Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 4 мартдаги 17.01/25-сон маълумотномаси).** Натижада XX асрнинг 70–90-йиллари шеъриятидаги тўртлик, саккизлик ва шеърий туркумлардаги анъанавийлик ва бадий маҳорат ҳамда лирика жанрларининг бадий-эстетик аҳамияти ва ривожланиш қонуниятларини белгилашда қорақалпоқ адабиётини ўзбек адабиёти билан қиёсий нуктаи назардан ўрганиш тамойилларига эришилган;

тадқиқотнинг ўзбек шеъриятида, хусусан, кичик шеърий жанрларда миллий, маданий, адабий, тарихий, диний қадриятларнинг тикланиши талқинига оид умумлашмалари натижаларидан **Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси томонидан тайёрланадиган «Халқ ғазийнеси», «Миллет ҳам манаўият», «Ассалому алейкум, Қорақалпоғистон!» сингари телекўрсатувлар ва эшиттиришларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2019 йил 18**

июндаги 01-02/231-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англаш борасидаги илмий-маърифий хулосалар аҳолига, ўқувчи ёшларга, талабаларга ва бадий адабиётга қизиқувчи кенг оммага тарғиб этилиб, маданий-маърифий кўрсатувлар томошабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 9 та республика ва 4 та халқаро конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 10 таси республика ҳамда 1 таси хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилigi ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Поэтик шакллар хилма-хиллиги ва тақомиллашув омиллари»** деб номланган бўлиб, у икки фаслни ўз ичига олган. Биринчи бобнинг биринчи фасли **«Ижодкор бадий тафаккури ва поэтик шакллар структурасидаги янгиланишлар»** деб номланган.

Маълумки, бадий-эстетик тафаккур типлари ўз табиатига мос бўлган эпик, лирик ва драматик жанрлар тизими сифатида намоён бўлади. Лирика жанрлари эпик ва драматик турга мансуб асарлардан фарқли ўларок, ҳаётий воқеликнинг инсон онги-шуурига кўрсатган таъсирини бадий-эстетик талқин қилиш асносида поэтик идрок ва ифода этади. Шахс онги-руҳиятидаги туйғу ва кечинмалар ҳамда ўй-мушоҳадаларнинг бадий ифодаси ўз табиати ва мазмунига муносиб поэтик шаклда зуҳур топади. Бинобарин, буюк мутафаккир Аристотель фикрича ҳам, «Ҳажм асарнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар доим яхшироқ тушуниладиган нарса ҳажман (яъни шаклан) ҳам гўзалроқ бўлади»⁶. Бадий ижоднинг асрлар давомида эскирмайдиган бу

⁶ Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 20.

муҳим қонуниятини, яъни адабиётда шакл ва мазмун мутаносиблиги ва мазмуннинг устувор аҳамиятини Алишер Навоий ҳам алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида ҳўб эмас.
Назмки, ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни дағи дилкаш анга⁷.*

Абдулла Ориповнинг «Донишманд дедики...»⁸ тўртлиги, Хусниддин Шариповнинг «Балиқ фалсафаси»⁹ иккиликларида акс этган мазмунни «Шум бола» ёки «Елвизак» қиссалари шаклига солиб ифодалаш кийин.

Демак, шоир танлаган бадиий ифода усули тасвирланаётган воқелик, нарса-предметнинг, кечинма ёки мушоҳаданинг моҳиятига дахлдор тарзда намоён бўлади. Шу маънода, шеърин асарларда қўлланилган бадиий ифода усуллари бир-бирдан фарқлангани сингари шоирларнинг бадиий тафаккур табиатидаги ўзига хос хусусиятлар индивидуал услубларнинг бир-бирига ўхшамаслигидан далолат беради.

Абдулла Ориповнинг «Донишманд дедики...» номли тўртлигида инсон умрининг мазмун-моҳияти, шахснинг имкониятлари хусусида бедилон образли тафаккур юритилади:

*Донишманд дедики, осонни кутма,
Имкондан ортиқ бир имконни кутма.
Дарёдан дарёни талаб айлагил
Ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма¹⁰.*

Толиб Йўлдошнинг куйидаги тўртлиги шоир бадиий тафаккур тарзининг ўзига хослиги ва халқчил доноликка мойиллигидан далолат беради.

*Яхшилар суҳбатин эшитиб дейсан
Ўзингда йўқ, хурсанд: – Сув бўлиб кетдим.
Мен сувдек ҳаётга хизмат этсам деб,
Қалбимни шу тўрт йўл шеърга беркитдим¹¹.*

Асқад Мухтор таъкидлаганидек, «ихчам афористик ифодага интилиш, умр мазмуни, одамнинг ҳаётдаги ўрни, изи, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақидаги фикр ҳамда ҳаётини тажрибаларни айтиб олишга ҳаракат қилиш унинг бутун ижодига поэтик бир ўйчанлик руҳини бағишлайди. Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз кийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насиҳатгўйликка берилиб кетиш хавфи пойлаб туради. Аммо

⁷ Алишер Навоий. Ҳамса. «Ҳайрат ул-аброр». – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 34.

⁸ Орипов А. Ёиллар армони. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 441.

⁹ Шарипов Ҳ. Лирика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б. 24.

¹⁰ Орипов А. Ёиллар армони. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 441.

¹¹ Йўлдош Т. Ошиқ кўнгили. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 97.

Толиб Йўлдош лирикасининг энг яхши қисмида хавфни четлаб ўтишга муваффақ бўлаётир. Унинг умр хақидаги ўйларида меҳнатқаш халққа хос ёрқин оптимизм, кичик парчаларида ёшликка хос ўйноқи равонлик доим сезилиб туради»¹².

Кўринадики, ижодкорнинг ўзига хос бадий тафаккур табиати лирик асарларнинг ифода услубини белгилаб берувчи устувор тамойиллардан бири вазифасини бажаради. Қисқалик, фикрий яхлитлик ва лўндалик, теран маънодорлик келтирилган тўртликларнинг етакчи хусусияти хисобланади.

Юқорида кузатилганидек, йирик сўз санъаткорларининг лирика жанрлари ҳамда поэтик шакллардаги изланишлари бир-бирига ўхшамайди. Демак, ҳар бир шоирнинг бадий тафаккур тарзидаги ўзига хослик уларнинг ижодий индивидуаллигини белгилаб беради.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Тарихан шаклланган шеърӣй шакллар ва 70–90-йиллар шеърӣяти**» деб номланган.

Немис мутафаккири Г.В.Ф.Гегель «Лириканинг умумий тавсифи» тадқиқотида лириканинг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик хоссаларини шоирнинг предметга муносабати ва шу жараёнда туғилган туйғулар мазмуни, лирик кечинмалар ранг-баранглиги ва поэтик шакллар хилма-хиллиги юзага келтиришини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, поэтик тасвирга асос бўлган предмет, ижодкорнинг субъектив идроқи ҳамда мушоҳада объективлиги лирик кечинманинг ғоят турфа кўринишларда намоён бўлишини таъминлайди. Кейинчалик В.Г.Белинский ҳам «Поэзиянинг жинс ва хилларга бўлиниши» асарида Гегелнинг ана шу назарий концепциясига асосланган ҳолда шеърӣй асарлар таснифотини яратди.

Гегелнинг ёзишича, «Лирик асарларнинг турфа хиллари, жанрлари ва шакллари тўғридан-тўғри бадий мазмуннинг моҳиятига, унинг намоён бўлиш тарзига бевосита дахлдор»дир¹³. Таниқли адабиёт назариячиси Г.Н.Поспелов ҳам ўзининг «Адабиёт назарияси» (М., 1978) номли асарининг «Лириканинг хусусиятлари» (111–113-бетлар) ҳамда «Лирика жанрлари» (273–280-бетлар) бобларида ана шу назарий концепцияга амал қилади. Лирик асар табиатига доир мазкур илмий-назарий қарашларни изчил ривожлантирган олим ўзининг «Лирика» (М., 1976) номли тадқиқотининг «Лириканинг специфик хусусиятлари» бобида (62–177-бетлар) лирик асарларни медитатив лирика, медитатив-тасвирий лирика, тавсифий-тасвирий лирика, «персонажли» лирика ва ҳикоявий (повествовательный) лирика тарзида таснифлайди.

Адабиётшунос А.Н.Богдановнинг ёзишича, «Лирик асарлар жанри ҳамда поэтик шаклларни ўзаро фарқлашда турли хил принциплар ҳукм суриб келди. Антик замонда ва кейинчалик классицизм¹⁴ даврида поэтик жанрларни шакл-мазмунига қараб фарқлашга ҳаракат қилишди. Ушбу оқим намояндаларининг қатъий шаклланган нуктаи назарлари муайян жанр қонуниятларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

¹² Йўлдош Т. Ошиқ кўнгли: Шеърлар / Кириш сўзи Асқад Мухтор. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.3.

¹³ Гегель. Сочинения. Лекции по эстетике. – М.: ГИХЛ, 1958. – Т. XIV. – С.320.

¹⁴ Классицизм – адабиёт ва санъатда қадимги юнон ҳамда рим адабиёти сюжетлари ва шакллариға тақдир қилувчи оқим.

Шеърӣ асарларни банд турларига (строфикасига) қараб таснифлаш деярли барҳам топди. Бундай шеър турларидан Европа поэзиясида биргина сонет қолди. Шарқ шеърлятида эса саккизлик, ғазал, рубоий ва бошқа бир неча қатъий банд тузилиш қонунлятига эга бўлган шакллар сакланиб қолди. Бугунги адабиётшунослиқда шеърӣ асарларни мавзу-муаммолари моҳиятига кўра таснифлаш тамойили устувор йўналиш қасб этди»¹⁵.

Адабиётшунос олим Н.Шуқуровнинг «Услублар ва жанрлар» номи монографияси ҳамда ҳаммуаллифликда яратилган «Адабиётшунослиққа кириш» қўлланмасида¹⁶ хозирги ўзбек шеърляти жанрларини публицистик лирика, интим лирика, символик-рамзий лирика ва ҳажвий лирика тарзида тўрт гуруҳга ажратади. Бу – табиий ҳол. Зеро, «лирик асарнинг жанрини аниқлаш учун мисралар миқдори, бандлар тартиби, қофиялаш системаси билан боғлиқ шаклий белгилар эмас, мазмун, пафос, ифода усули, образли қурилиши каби белгилар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу принцип мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби поэтик шаклларга ҳам тегишли»¹⁷.

Маълумки, бадий идрок ва ифодадаги янгича нуктаи назарлар, табиийки, ўзига хос тасвир имкониятларини юзага келтиради. Бинобарин, «ҳамма жанрларнинг ўзига хос қирралари бўлади. Лекин моҳиятан барча жанрларни иккига – оддий ва кўтаринкига ажратиш мумкин. Мазкур жанр турлари кўплаб ўзига хос фазилятлари билан бир қаторда муайян умумий хусусиятларни ҳам такозо этади: фикрнинг аниқлиги ва теранлиги, гўзаллиги, ифода воситаларининг образлилиги, тилнинг тозаллиги қабилар. Мазкур фазилятлар ҳар қандай асар учун, жанри қандай бўлишидан қатъи назар, ғоятда зарур. Уларнинг фарқи фақат биргина нарсада: ҳар бир асарнинг мағзи – бадий ғояда»¹⁸, – деб ёзган француз мутафаккири Вольтер.

Демак, лирик жанрлар ва поэтик шакллар тақомили ижтимоий воқелик, ҳаёт материалига ёндашиш, сўз санъаткорининг бадий-эстетик нияти ва тафаккур тарзи такозоси туфайли ҳосил бўладиган ижодий изланиш самарасидир.

Ишнинг иккинчи боби «Поэтик шакллар – тўртлик, саккизлик» деб номланган. Унинг «Тўртликларда бадий тафаккур тарзи ва иждокор маҳорати» деб аталган биринчи фаслида назарий адабиётлардаги таърифларга таяниб, тўртлик билан рубоийнинг фарқли ва муштарак жиҳатлари хусусида фикр юритилган. «Тўртлик – жаҳон халқлари шеърлятидаги энг машхур, кўп қўлланиладиган шеърӣ шакл ҳисобланади. Аксарият, *аабб*, *абаб*, *абба* ва Шарқ шеърлятида эса, *ааба* тарзидаги қофияланиш тартибига эга. Ҳижолари, вази турлича; кўпинча тўққиз, ўн бир бўғинли бўлади»¹⁹. Атоқли адабиётшунос Л.И.Тимофеев ва С.В.Тураев тузган ҳамда нашрга тайёрлаган

¹⁵ Теория литературы в связи с проблемами эстетики. – М.: Высшая школа, 1970. – С. 318.

¹⁶ Шуқуров Н. ва бошқ. Адабиётшунослиққа кириш / Н. Шуқуров, Н. Хотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.181.

¹⁷ Шуқуров Н. Шеърлят жанрларини ўрганиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1985. – № 5. – Б.21.

¹⁸ Вольтер. Эстетика. – М.: ГИХЛ, 1974. – С. 266.

¹⁹ Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 338.

«Адабиётшунослик терминлари луғати»да эса ушбу таъриф-тушунчага анча кенг ва чуқур изоҳ берилган: «Катрен (французча quatrain) – тўртлик, «Катрен» атамаси фақат тугалланган фикрни ифодаловчи тўртликка нисбатан қўлланган...»²⁰.

Ўзбек тилидаги илмий манбаларда эса ушбу таърифлар Шарк шеърийатининг бадиий-эстетик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда янада тўлдирилган. Хусусан, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг фикрича, «Тўртлик – тўрт мисрадан иборат мустақил шеърий асар. Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб фольклорда пайдо бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тўртликлар рубоийдан ўзининг шаклий ҳамда мазмуний жиҳатлари билан фаркланади. Тўртликнинг мавзу доираси кенг бўлиб, уларда турли ҳаётий воқеалар акс эттирилиши мумкин... Тўртликда ижодкорнинг бирор ҳаётий воқелик ҳақидаги таассурот ва хулосалари лўнда, поэтик ифодаланади»²¹.

«Тўртлик – шеърининг кенг тарқалган банд тузилишидан бири бўлиб, унда биринчи мисра билан учинчи, иккинчи мисра билан тўртинчи мисралар кофияланади. Шарк поэзиясида тўртликнинг ўзига хос тури рубоийдир. Рубоий форс-тожик поэзиясида дубайт (икки байт) деб ҳам юритилади»²².

«Рубоийнинг келиб чиқишига халқ шеъриятидаги тўртликлар муҳим асос бўлиб хизмат қилганлиги манбаларда тўғри таъкидланган»²³. Рубоий шакл жиҳатидан ихчам, кичик лирик жанр бўлса ҳам, аммо унда чуқур поэтик фикр, катта фалсафий умумлашмалар ифодаланиши мумкинлиги унинг мустақил жанр сифатида кенг ёйилиши ва тараккий топишига сабаб бўлади.

Рубоий жанрининг ўзига хос (специфик) бир хусусияти ва талаби ҳам шуки, унда чуқур фалсафий-дидактик, ижтимоий-сиёсий, ахлокий-таълимий ёки ишқий-руҳоний гоё ва мазмун ўзининг яхлит, поэтик мукамал ифодасини топиши лозим.

Дарҳақиқат, тўртлик поэтик шакли билан рубоий жанри муайян даражада ўхшашликка эга бўлса-да, улар шаклий ҳамда мазмуний хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Биринчидан, шаклий – кофияланиш тартибига кўра аксарият тўртликлар одатда *аабб*, *абаб*, *абба* тарзида тугаллик касб этса, рубоийлар *ааба*, *аааа* шаклида кофияланиб, мухтасар мукамалликка эга бўлади. *аааа* шаклида кофияланган рубоийлар «таронаи рубоий» деб аталади. Иккинчидан, рубоийлар ўзининг поэтик матнида ифодаланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлокий, фалсафий-дидактик мазмуннинг қўламдорлиги ҳамда теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис, рубоий мавзу-муаммоларга ёндашиш ҳамда ёритишдаги ўзига хос поэтик контекстга эга бўлган мустақил лирика жанри ҳисобланади.

²⁰ Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С.123.

²¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 356–357.

²² Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.231.

²³ Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 226.

Шунингдек, рубоий ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб тармоқларида ёзилиши ҳам мумтоз шеърятнинг муҳим бир қондаси бўлган.

Кўрамизки, ҳаёт материаллини бадий-эстетик жиҳатдан ёритиш ва умумлаштириш хусусиятларига кўра шаклий белгилари (*аабб, абаб, абба* кофияланиш тартиби) ҳамда мазмундорлиги жиҳатидан тўртликлар ҳам алоҳида шеърый шакл сифатида ўзбек шеърятининг таракқиёт тарихида муҳим ўрин тутиб келади.

Мазкур фикрлар мавжуд илмий-назарий адабиётларда ҳам турлича йўсинларда таъкидлаб келинади²⁴.

Бинобарин, «Шарқ поэзиясида кенг тарқалган рубоий халқ шеърятидаги тўртликлардан шаклий асос олган бўлиб, ўз темаси ва ғоясига, барқарор жанр хусусиятларига, кичик шеърый шаклга эга бўлган мустақил ва мукамал асардир»²⁵.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Саккизликларда ижодий ўзига хослик» деб аталган.

XX аср ўзбек шеърятидаги саккизлик поэтик шакли Шарқ лирикасидаги анъанавий мусамман шеърый шакли заминида юзага келган бўлиб, Европа шеърятининг қадимий октава жанри таъсирида янги шакл ва мазмун касб этди. «...хокку, танка, триолет, октава ва верлибр шакллари кейинги йилларда поэтик авлод томонидан илк бор ўзлаштирилди. Ўзбек шоирлари томонидан муваффақият билан синаб кўрилган янги шеърый жанр ва шакллар поэзиямиз арсеналини бойитди. Классик Шарқ адабиёти ўзанида шаклланган ва ривожланган ўзбек поэзиясини жаҳон халқларининг илғор шеърый маданиятига яқинлаштирди»²⁶.

Кўринадики, рус мутафаккири В.Г.Белинскийнинг «Давр ғоялари бўлганидек, давр шакллари ҳам бўлади», деган фикри кейинги йиллар ўзбек лирикасидаги поэтик шакллар хилма-хиллиги ва ижодий индивидуалликлар табиатини ёритиш мақсадида айтилгандек туюлади. Атоқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг ўтган аср 70-йилларида доврुक қозонган шеърятини асосан саккизликлар, тўртликлар, тоғ элегиялари ва бешиклардаги, ханжарлардаги, ўчоқлардаги, қоялардаги, эшиклар ва дарвозалардаги, қабр тошларидаги битиклардан ташкил топган эди.

Р.Ҳамзатов шеърятидаги ижтимоий-сиёсий ва бадий-фалсафий ғояларда мужассамлашган адолат, эзгулик, гўзаллик, меҳр-окибат сингари

²⁴ Шукуров Н. ва бошқ. Адабиётшуносликка кириш / Н. Шукуров, Н. Ҳотамова, Ш.Холматов, М.Махмудов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.196;
Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.154 – 156.

²⁵ Зуннунов А., Ҳотамова Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 136; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 52–56.

²⁶ Каримов Н. Шеърый шакллар ва услубий йўналишлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 104 – 105.

умумбашарий кадриятлар ўзининг мазмундорлиги ва юксак гуманистик пафоси билан шоирга оламшумул шухрат келтирди²⁷.

Шоир асарларининг ижодий таъсири ҳамда бой миллий маданиятларда мавжуд бўлган анъаналар заминиди қардош халқлар адабиётларида ҳам мазкур поэтик шаклларда яратилган бадиият намуналари юзага кела бошлади. Ўзбек шеърлятида Шукруллонинг «Инсон ва яхшилик», «Инсон инсон учун» мажмуаларидаги, «Кун ва тун», «Мезон» туркумларидаги саккизликлар²⁸, Жамол Камолнинг «Саккиз дақиқа тафаккур», «Менинг увок шеърим – менинг дилпорам», «Тафаккур» туркумларидаги саккизликлар²⁹, Толиб Йўлдошнинг «Саккизликлар» туркумлари³⁰ адабий жараён ривожига жиддий таъсир кўрсатиб, кўнгилларнинг хикматга йўғрилган кечинмаларини, янги экинларни олиб кирди.

«Адабиётшуносликка кириш» номли ўқув қўлланмаси муаллифларининг фикрича, классик шеър шаклларида мусамман табиатан саккизликка яқиндир. Мусамманда биринчи бандларнинг олти мисраси бир хилда қофияланиб, биринчи банднинг охири икки мисраси кейинги бандларга накорат бўлади³¹. Дарҳақиқат, мусамман «саккизлик» дегани. Лекин бу жанрнинг ҳар бир банди саккиз мисрадан иборат. Саккизлик эса мустақил шеър шакли.

Демак, даврнинг мураккаб ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий муаммолари билан боғлиқ масалалар саккизликнинг асосий мундарижасини ташкил этади. Жамол Камол, Машраб Бобоев, Толиб Йўлдош ва бошқа шоирлар саккизликлари кейинги йиллар шеърлятимиз тарихини белгиловчи гўзал бадиият намуналари сирасига киради.

Учинчи боб **«Шеърлий туркумлар ва эпиклик тамойиллари»** деб номланиб, у икки фаслни ўз ичига олади. Учинчи бобнинг биринчи фасли **«Шеърлий туркумлар ҳақида»** деб номланган.

Шеърлий туркумларнинг ўзига хос хусусиятлари ва адабиёт ривожиди туган ўрни ҳақида сўз юритишдан аввал, туркумлиқ тушунчасининг моҳиятига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Рус адабиётшунослиги талқинича, «цикл» (яъни «туркум») юнонча «kuklos» – цикл – доира, филдирак сўзидан келиб чиққан; умумий жанри, мавзуси, бош қахрамонлари, ягона

²⁷ Ҳамзатов Р. Бир хонадон фарзандлари: Шеърлар, саккизликлар, тўртликлар, битиклар, тоғ элегиялари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 264.

²⁸ Шукрулло. Инсон ва яхшилик. Шеърлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – Б. 104; ўша муаллиф. Суяңчик. Шеърлар ва дoston. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 216.

²⁹ Камол Ж. Тафаккур. Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – Б. 80; ўша муаллиф. Қадах. Лирика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 68; ўша муаллиф. Сувайдо. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 240.

³⁰ Йўлдош Т. Ошиқ кўнгил. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 184.

³¹ Шукуров Н. ва бошқ. Адабиётшуносликка кириш / Н. Шукуров, Н. Ҳотамов, Ш. Холматов, М. Маҳмудов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 194.

гоявий-бадий нияти, хикоячи, тарихий давр нуктаи назаридан муштаракликка эга бўлган, бир нечта бадий асарларни бирлаштирган (наsr ва драматургияда); лирикада эса воқеа-ҳодисаларнинг бўлиб ўтган жойи, ягона поэтик кайфият ҳам мазкур аломатлар билан уйғунликда намоён бўлади.

«Туркум бадий асарлар яратиш анъанаси нафақат фольклорда, шунингдек, насрда, драматургияда ҳам мавжуд»³².

Ўзбек адабиётшунослари талкинчи ҳам, «цикл грекча *kuklos* – доира, халка сўзидан – бир хил қахрамонлар билан, бир тарихий давр билан ёки бир ягона фикр ва бир хил ички кечинмалар билан бирлашган бир қатор бадий асарлар. Масалан, Гўрўғли циклидаги дostonлар ва хоказо»³³, дея таърифланади.

Мазкур таъриф ва англатма бошқа луғатларда, илмий-назарий нашрларда ҳам таъкидланади³⁴.

Демак, илмий-назарий адабиётлардаги таъриф ва талкинлардан ҳам маълум бўладики, ҳар бир шеърий туркум ўзига хос бадий тафаккур табиати, сюжет-композицион қурилиши, мавзу-муаммолари, услубий жиҳатлари билан бир-бирдан фарқланади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Шеърий туркумлар табиати: эпиклик ва лирик кечинма уйғунлиги**» деб номланган.

Мумтоз адабиёт бағридан ўсиб чиққан ўзига хос поэтик шакл – шеърий туркумларга хос тадрижийлик хусусиятларини Эркин Воҳидовнинг «Донишкишлок латифалари», Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари», «Ҳикмат садолари» туркумлари мисолида кузатадиган бўлсак, ижтимоий воқелик, шоирлар дунёқараши ва реалистик тасвир маданияти бундай туркумлар табиатига ички сифат ўзгаришлари олиб кирганлигини кўрамыз.

«Ҳикмат садолари» туркумининг кимматли жиҳатларидан бири шундаки, ундаги ихчам шеърларда шоирнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги теран ўй-мушоҳадалари, юксак ҳис-туйғулари таъсирчан ва ибратомуз ҳадис-ҳикматлар билан йўғрилган бир тарзда ёркин ифодаланади:

Бир сўхбат чоғида Ҳазрат пайгамбар

Ўртага ташлади савол ногаҳон.

Айтдилар: – Зарурат тугилса магар,

Кимни атардингиз асл паҳлавон?..

Расулulloҳ деди: – Кўҳнадир жаҳон,

³² Ҳомидий Х., Абдуллаев Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 245.

³³ Худойберганов Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 209–219.

³⁴ Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 346, 361, 433, 451, 476, 477; Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 179–197; Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 97–115.

*Турфа хил куч-қудрат бордир оламда.
Лекин ўз жаҳлини енголган инсон
Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда*³⁵.

Зеро, шоир ижоди ва шахсини яқиндан ўрганган нозиктаъб адабиётшунос Беғали Қосимов тўғри таъкидлаганидек, «шоирнинг ҳар бир шеърида унинг қалбидаги «ўкинч ва қадар»нинг маъно ва моҳияти англашила боради ва у ҳаётни янада кўркемроқ, замонамизни мусаффо, замондошимизни янада мукамал кўришга бўлган сўнгсиз иштиёқдан эканлиги аён бўлади. Бундай туйғу ва дардни нурли дард, деймиз»³⁶.

Биз мумтоз шеърятимиздаги таржеъбанд ва таркибандларнинг 70 – 90-йиллардаги ўзбек шеърятида юз кўрсатган саккизликлар билан алоқасини текширдик. Бу билан биз ушбу мумтоз шеърий шаклларни шеърий туркумлар демокчи эмасмиз. Лекин ушбу мумтоз шакллар муайян маънода шеърий туркумларга асос бўлган бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

